

Ундириладиган давлат божлари тўғрисидаги

МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон Қарорлари билан тасдиқланган Низомларга асосан тадбиркорлик субъектини

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун қуйидаги миқдорларда давлат божи тўланади:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари; суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган худудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар ва бозорлар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъекти аризасига биноан унинг дубликати берилади. Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги 402-сон қарорига асосан ломбардлар адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун қонун ҳужжатларида тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи ундирилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарорига асосан юридик шахслар бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 244-сон қарорига асосан Франшизинг тўғрисидаги шартнома (муҳим ўзгартиришлар, қўшимчалар) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан

Ўтказувчи органнинг банкдаги ҳисоб рақамига энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бири миқдорида рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 мартдаги 52-сон қарорига асосан Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган ҳудудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар Истеъмол товарлари улгуржи савдоси фаолиятини амалга ошириш учун лицензия беришда Адлия вазирлиги томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия бериш юзасидан ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасига асосан, нотариуслар қўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) битимларни тасдиқлайди;
- 2) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 3) эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- 4) мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади;
- 5) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- 6) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 7) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- 8) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- 9) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- 10) кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- 11) фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 12) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- 13) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- 14) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- 15) жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
- 16) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- 17) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- 18) пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- 19) ижро хатларини ёзади;
- 20) векселларнинг протестларини амалга оширади;
- 21) денгиз протестларини амалга оширади;
- 22) нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

А) Кўчмас мулклар билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларни расмийлаширишда тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати.

I. Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бошқа шахсга ўтказилаётганда:

- 1) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- 2) хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзолари томонидан умумий харажатларни қоплаш учун тўланадиган мажбурий бадаллар, телефон алоқаси хизмати учун тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар;
- 3) коммунал хизматлар учун тўланадиган мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (жисмоний шахсларга тегишли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми учун);
- 4) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўзгартирилганда, қайта қурилганда ёки бузилганда маҳаллий давлат ҳокимияти органининг бу ҳақдаги қарори;
- 5) Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- 6) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 7) солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- 8) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома;
- 9) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 2-4 ва 6-8 тартиб рақамларида назарда тутилган маълумотномалар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, агар:

а) Тошкент шаҳрида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўйича олди-сотди, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада шартномалари нотариал тасдиқланса, сотиб олувчи томон Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахс ҳисобланса амалга оширилади. Бунда, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг паспортига қўйилган доимий прописка штампини текширади. Агар паспортда «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг 2, 5, 9-11-бандлари асосида қўйилган доимий прописка штамп мавжуд бўлса, нотариус ички ишлар органининг доимий прописка борлиги тўғрисидаги маълумотномасини талаб қилади;

б) Тошкент вилоятида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми бўйича олди-сотди, айирбошлаш, рента, умрбод таъминлаш шарти билан ўзгага бериш ва ҳада шартномалари нотариал тасдиқланса, сотиб олувчи томон Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлган жисмоний шахс ҳисобланса амалга оширилади. Бунда, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг паспортига қўйилган доимий прописка штампини текширади. Агар паспортда «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган

Рўйхатнинг 2, 5, 911-бандлари асосида қўйилган доимий прописка штампи мавжуд бўлса, нотариус ички ишлар органининг доимий прописка борлиги тўғрисидаги маълумотномасини талаб қилади;

в) «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Рўйхатнинг 8-бандида назарда тутилган фуқаролар, яъни илгари Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган – ўқишни, ишни, узоқ муддатли хизмат сафарини тугатганидан, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганидан кейин доимий яшаш учун тегишинча Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига қайтиб келган фуқаролар уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олиш мақсадида нотариусга мурожаат қилса, нотариус ички ишлар органларининг доимий прописка қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотномасини талаб қилади.

г) эр (хотин)нинг умумий биргаликдаги мулки бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битим тузилса, хотиннинг (эрнинг) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган ёзма розилиги олиниши лозим;

д) вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқарога қаршли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини ёки шу мулкдаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда нотариус ушбу «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг (рўйхат рақами 2090, 2010 йил 30 март) 39-бандига риоя қилади. Агар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар номига уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми расмийлаштирилган бўлса, нотариус бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини ёзма равишда хабардор қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасидаги талабларга риоя қилинади.

е) мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг давлат ташкилотлари томонидан сотиб олинишида, юқори ташкилотларининг уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиб олишга рухсати талаб этилади.

II. Юридик шахсларга тегишли бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни тасдиқлашда:

- 1) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- 2) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 3) солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- 4) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг кадастр ҳужжатлари йиғмажилди;
- 5) юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- 6) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;
- 7) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг қолдиқ баланс қиймати ҳақида юридик шахс раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзоси қўйилган маълумотнома;
- 8) юридик шахснинг соф активлари ҳақида маълумот;
- 9) юридик шахс ваколатли органининг тегишли қарори (умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо);
- 10) вакилга берилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома (агар ушбу вакил билан юридик шахс ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган бўлса, унда нотариал тартибда расмийлаштирилган ишончнома талаб қилинади);
- 11) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида рўйхатда турувчи шахслар ҳақида маълумотнома;
- 12) топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (агар битимни имзолашдан аввал уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми топширилган бўлса);

13) тарафлар ўртасида ҳисоб-китоб бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция, тўлов топшириқномаси, тўлов мажбурияти кечиктирилган ҳоллар бундан мустасно) талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 2, 3, 5, 6, ва 11 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

III. Қуриб битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимни тасдиқлашда:

- 1) қуриб битказилмаган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат бериш тўғрисидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;
- 2) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини ўзгартириш, қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори;
- 3) қурилиши тугалланган, аммо давлат комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилинмаган объектлар рўйхати;
- 4) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 5) солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- 6) ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 1, 2, 4 ва 5 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

IV. Давлат ташкилотларига қаршли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми фуқаролар томонидан сотиб олиниши билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлашда:

- 1) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми давлат ташкилотига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 2) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 3) солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- 4) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг кадастр ҳужжатлари йиғмажилди;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаларининг розилиги;
- 6) баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи талаб этилади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 2, 3 ва 5 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

V. Корхонани сотиш шартномасини тасдиқлашда:

- 1) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 2) корхона сотувчисининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- 3) корхона сотувчиси ва сотиб олувчиси ваколатли органларининг корхонани сотиш ёки сотиб олиш тўғрисидаги қарори (умумий мажлис баённомаси ёки кузатув кенгашининг қарори ёхуд буйруқ ва ҳоказо);

- 4) тарафларнинг ваколатларини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 5) корхонани сотишда сотувчи – юридик шахс билан вакил ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган бўлса, ваколатларни амалга ошириш учун вакилга нотариал тартибда берилган ишончнома;
- 6) мулкдорнинг розилиги (агар мулк хўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган юридик шахсга тегишли бўлса);
- 7) инвентаризация далолатномаси;
- 8) баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи ва хулосаси (сотилаётган корхонада давлат улуши бўлган ҳолларда);
- 9) давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси;
- 10) корхона сотувчиси – юридик шахснинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган оралиқ баланснинг асл нусхаси;
- 11) аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосаси;
- 12) тарафлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган ва имзоланган кредиторлар, улар қўяётган талаблар хусусияти, миқдори ва муддатлари кўрсатилган ҳолда корхона таркибига киритиладиган барча қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати;
- 13) кредиторларга юборилган хабарнома ва уларнинг корхона қарзларини бошқа шахсга ўтказишга розилиги ҳақидаги нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган аризалари (кредиторлар юридик шахс бўлган ҳолларда, уларнинг розилиги расмийлаштирилган хатлари);
- 14) корхона таркибидаги бино ва иншоотлар учун «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 15) ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 16) солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;
- 17) тарафлар ўртасидаги тўлов мажбурияти бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 18) соф активлар ҳақида маълумот;
- 19) топшириш ва қабул қилиш далолатномаси, шу жумладан, муҳр ва штамп тақдим этилади.

Корхона таркибида бино ва иншоотлар мавжуд бўлса, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан бирга бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳам бўлиши лозим.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 2, 9, 14 ва 16 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

VI. Ипотека шартномасини тасдиқлаш учун:

- 1) мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;
- 2) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномаси;
- 3) уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома;
- 4) гаров мулкни суғурта этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (суғурта полиси) ва (ёки) суғурта шартномаси;
- 5) асосий мажбурият ҳақидаги шартнома (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва бошқалар);
- 6) ипотекага қўйилган кўчмас мулкнинг ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи билан биргаликдаги тузилган баҳолаш далолатномаси ёки баҳоловчи ташкилотнинг хулосаси;

- 7) ипотекага қўйилаётган мол-мулк умумий мол-мулкни (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки) ташкил этса, барча мулкдорларнинг (эр-хотиннинг) розилиги;
- 8) хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ипотекага қўйилганда, шу уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган ва хусусийлаштиришда қатнашиб розилик берган шахсларнинг нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаходатлантирилган розилик аризалари;
- 9) агарда ипотекага қўйилаётган турар жойда доимий прописка қилинган шахслар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, тегишлича уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма розилиги;
- 10) ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжати (ишончнома);
- 11) ипотека нарсаи ашёвий ҳуқуқ бўлган (хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасига доимий эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи, сервитутлар ва ҳоказо) ҳолатда мулкдорнинг розилиги талаб қилинади;

VII. Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган кўчмас мулк (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқалар)нинг ижара шартномасини тасдиқлашда:

- 1) кўчмас мулкнинг ижарага берувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (нусхаси қолдирилиб, асли қайтариб берилади);
- 2) «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинининг маълумотномаси ва Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- 3) ижарага берилаётган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтарида кўчирма ҳамда доимий прописка қилинган шахсларнинг розилиги;
- 4) кўчмас мулк умумий биргаликдаги мулк бўлган тақдирда (эр-хотиннинг биргаликдаги мулки), барча эгаларининг (эр-хотиннинг) розилиги;
- 5) васийликдаги шахсга қарашли бўлган кўчмас мулк бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги;
- 6) хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ижарага берилганда, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиги.
- 7) кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 2, 3 ва 6 тартиб рақамларида назарда тутилган маълумотномалар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

Юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкни (уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқаларни) ижарага бериш шартномаларини тасдиқлашда, қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- 1) юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари;
- 2) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома;
- 3) вакилга берилган ишончнома;
- 4) юридик шахс ваколатли органларининг кўчмас мулкни ижарага бериш (олиш) ҳақидаги ҳужжат (қарор, умумий мажлис баённомаси, кузатув кенгашининг қарори, буйруқ ва ҳоказо);

5) топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (агар шартномани имзолашдан аввал ижара объекти топширилган бўлса).

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 1 ва 2 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказган ташкилотдан идоралараро сўров орқали олинади.

IX. Корхонани ижарага бериш шартномасини тасдиқлашда:

1) ижарага берувчининг (ижарага олувчининг) таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

2) якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

3) вакилнинг ваколатини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) корхонанинг инвентаризация далолатномаси;

5) корхонанинг ижара ҳақи миқдорини белгиловчи далолатнома;

6) ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида тузилган корхонани топшириш ва қабул қилиш далолатномаси;

7) ижарага берувчининг кредиторлик қарзлари ва кредиторлари ҳақида маълумот;

8) кредиторларга берилган хабарнома ва уларнинг розилиги;

9) корхонанинг бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

10) васийликдаги шахсга қарашли бўлган корхона бир йилдан ортиқ муддатга ижарага берилганда, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юқорида кўрсатилган 1, 2 ва 9 тартиб рақамларида назарда тутилган ҳужжатлар нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

Б) Давлат божги ва бошқа тўловлар миқдори.

1.	Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширганликлари учун:	
а)	уй-жойлар қуриш учун муддатсиз фойдаланиладиган ер майдонлари берилиши билан боғлиқ бўлган шартномаларни тасдиқлаганлик учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;
б)	квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шундан жумладан хусусийлаштирилган квартирала (квартираларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, рента олиш умрбод таъминлаш шarti билан бошқаларга бериш ва аҳд қилиш шартномаларини;	
	мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болаларига, набираларига бувиларига, буваларига, туғишган ака-укалари ва опасингилларига тасдиқлаганлик учун	1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

	бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тасдиқлаганлик учун	1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
	хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар (уйларнинг бир қисми) ким ошди и савдоси орқали сотилганда шартномаларни и тасдиқлаганлик учун	1 кв. м. майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
<p><i>Изоҳ. Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиралар (квартираларнинг бир қисми) ва дала ҳовлилар учун ставка турар жой майдонидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади. Гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатлар учун ставка умумий майдондан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади.</i></p>		
в)	гаров, кафиллик шартномаларини ва микромолиялаштиришни ҳамда ипотека кредитини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к ¹ » кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно	шартнома суммасининг 0,1 фоизи миқдорида;
г)	банклар билан қарз олувчиларнинг кредит бўйича	энг кам ойлик иш ҳақининг

қарздорликни қарздорнинг ликвидли мол-мулки ярми миқдорида; ҳисобига қайтариш тўғрисидаги ёзма битимларини (шартномаларини) тасдиқлаганлик учун

д) баҳоланадиган бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик шартнома суммасининг 1,0 учун, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган фоизи миқдорида, бироқ энг ҳоллар бундан мустасно кам ойлик иш ҳақининг камида 20 фоизи миқдорида;

е) мулкни бўлиш шартномаларини, кафиллик шартномаларини (ушбу банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган ҳоллардан ташқари) ва баҳоланмайдиган бошқа битишувларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно:

жисмоний шахслар учун

энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

томонлардан бири юридик шахс бўлган тақдирда

энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

ж) никоҳ шартномасини тасдиқлаганлик, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 25 ўзгартиришлар киритганлик ёки унинг амал қилишини фоизи миқдорида; тугатганлик учун

з) васиятномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

и) меросга эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берганлик учун:

биринчи навбатдаги ворисларга мерос суммасининг 0,1 фоизи миқдорида;

иккинчи навбатдаги ворисларга мерос суммасининг 0,5 фоизи миқдорида;

қолган ворисларга мерос суммасининг 2 фоизи миқдорида;

Изоҳ. Уй-жойлар (уйларнинг бир қисми), квартиралар (квартираларнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришида мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли кадастр ва кўчмас мулк хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

к) юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож куйидаги схема бўйича ундирилади, ушбу банднинг «к¹» кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно

Транспорт тури	Фойдаланиш муддатига қараб:		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан ортиқ бўлганда	7 йилдан ортиқ бўлганда

1. Ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкаси:

а) юк ташувчи ва енгил энг кам ойлик иш энг кам ойлик энг кам ойлик автотранспорт, шу жумладан, ҳақининг 10 фоизи иш ҳақининг 7 иш ҳақининг 5 автобус, трактор, ўзи юрар миқдорида фоизи

машина учун фоизи миқдорида миқдорида

б) чет элда чиқарилган энг кам ойлик иш энг кам ойлик энг кам ойлик ишлаб автотранспорт учун ҳақининг 30 фоизи иш ҳақининг 20 иш ҳақининг 10 миқдорида фоизи фоизи

миқдорида миқдорида
миқдорида миқдорида

2. Битта мототранспорт, энг кам ойлик иш

энг кам ойлик энг кам ойлик

мотоколяска, мотоқайиқ учун ҳақининг

5 фоизи иш ҳақининг 3 иш ҳақининг

2

давлат божи ставкалари

миқдорида фоизи фоизи

Изоҳ. Алмаштириш шартномасини расмийлаштиришда давлат божи шу божнинг кўп суммаси олинadиган фақат бир машинадан ундирилади.

Кўйидаги шартномаларни расмийлаштиришда: эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, тугишган акаукалар ва она-сингиллар ўртасида автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномалари расмийлаштирилаётганда бож

белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади; банк кредитлари ҳисобига сотиб олинadиган автомототранспорт

воситаларининг олди- сотдиси учун бож белгиланган ставканинг 10 фоизи миқдорида ундирилади; йўл-транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя этиш шартномалари расмийлаштирилаётганда бож миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади ва унинг миқдори битишув қатнашчиларининг хоҳишига кўра ва нотариуснинг топширигига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар

бўлмаган вилоятларда эса — «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик жамияти корхоналари томонидан белгиланади.

к ¹)	<p>юрлик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юрлик ва жисмоний шахслар ўртасида ватанимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаларидан, шунингдек юрлик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, хорижий юрлик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган, уларни импорт қилиш (олиб келиш) санасидан бир йилдан кам муддат ўтган янги енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни, олдисотди, айирбошлаш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади</p>
<p><i>Изоҳ. Алмаштириш шартномасини, шунингдек бир нечта енгил автотранспорт воситалари билан боғлиқ гаров шартномасини расмийлаштиришда бож шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади.</i></p>	
<p>Ушбу кичик бандда белгиланган ставка ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йил мобайнида битимлар сонидан қатъи назар, енгил автотранспорт воситаларининг олдисотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлашда қўлланилади.</p>	
<p>Мазкур кичик банднинг қоидалари эр-хотинлар, ота- оналар, болалар ва набиралар, ака-укалар ва опа- сингиллар ўртасида автотранспорт воситаларини олдисотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини, шунингдек ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ва уларнинг эр-</p>	

хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларни тасдиқлаганлик учун қўлланилмайди		
л)	қуйидагиларни тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к ¹ » кичик бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно:	
	ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болала р ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автомобилотранспор т воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қили ш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганли к учун, ушбу банднинг «к ¹ » кичик бандида белгиланга н ҳоллар бундан мустасно	энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;
	автомобилотранспорт воситаларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларн и тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к ¹ » кичи к бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида;
	автомобилотранспорт воситаларини бошқа шахсла р тасарруф этиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларн и тасдиқлаганлик учун, ушбу банднинг «к ¹ » кичи к бандида белгиланган ҳоллар бундан мустасно	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида;
м)	бошқа ишончномаларни тасдиқлаганлик учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;
н)	мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўрганлик учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида;
о)	ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимасининг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун	ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида;
п)	ижро хатлари ёзиб берганлик учун	ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда;
<p><i>Из оҳ. Лизинг объектининг лизинг берувчи талаби бўйи ча ижро хатлари ёзиб беришда, лизинг шартномасида белгиланган тўланмаган тўловлар суммасидан лизинг шартномаси мuddати тугашигача қолган даврга лизинг берувчи да ромадини чегирган ҳолда давлат бо жи ундирилади.</i></p>		

	р) хужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун:	
	жисмоний шахслар учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик	иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;
	юрлик шахслар учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик	иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
	шу ишларни чет мамлакатда бажарганлик учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик	иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;
	с) хужжатлардаги ёзувларнинг ҳақиқийлигини, шу жумладан таржимон имзосининг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлик учун:	и
	жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2	фоизи миқдорида;
	юрлик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10	фоизи миқдорида;
	т) нотариал идораларда мавжуд бўлган хужжатларнинг нусхаларини ва дубликатларини берганлик учун	енг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;
	у) банкларда ҳисоб рақамлари очишда имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлик учун	енг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;
	ф) энг кам ойлик иш ҳақининг 10 юрлик ва жисмоний шахсларнинг аризалари бошқа а фоизи миқдорида. юрлик ва жисмоний шахсларга берилганлиги ҳамд а бошқа нотариал ишлар бажарилганлиги учун, мазку р банднинг «а» — «у» кичик бандларида назард а тутилганлар бундан мустасно	
<p><i>Из оҳ. Нотариал идоралар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун да влат божси 2 баравар миқдорида ундирилади (озодликдан маҳрум этиши жойларидаги ёк и қамоқдаги шахсларнинг ишончномаларини нотариал тасдиқлашдан ташқари), и унингдек ушбу ишларни бажариши учун жойга бориши билан боғлиқ амалда сарфланган ха ражамлар тўланади.</i></p>		

Адлия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги 98-ум-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳақ миқдорлари

№	Ҳаракт турлари	Ҳақ миқдори (енг кам иш ҳақиға нисбатан фоизларда)
---	----------------	--

I	Нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш	
1	Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаш бўйича	10 % (жисмоний шахслар учун) 30 % (юридик шахслар учун)
2	Гаров (ипотека) шартномаларини тасдиқлаш учун	10 % (жисмоний шахслар учун) 50 % (юридик шахслар учун)
3	Ишончномаларни тасдиқлаш бўйича	5 %
4	Мерос бўйича	10 %
5	1-4-бандларда назарда тутилмаган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича	5 %
II	Битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш учун	
6	Кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари лойиҳалари	10 % (жисмоний шахслар учун) 50 % (юридик шахслар учун)
7	Гаров (ипотека) шартномалари лойиҳалари	20 % (жисмоний шахслар учун) 100 % (юридик шахслар учун)
8	6-7-бандларда назарда тутилмаган битимлар лойиҳалари	5 %
9	Аризалар лойиҳалари	3 %
III	Техник тусдаги ҳаракатларга амалга ошириш учун	
10	Техник воситалар ёрдамида ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш (ҳужжатнинг ҳар бир бети учун)	0,2 %
11	Ҳужжатлардан кўчирмалар тайёрлаш (ҳар бир бети учун)	2 %
IV	Бошқа қўшимча ҳаракатлар учун	
12	Жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш учун, шунингдек, ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш	10 %

В) Мурожаатчиларнинг шахсини аниқлаш тартиби.

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва хомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчи фуқароларнинг шахси қуйидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларининг шахси – миллий паспорт;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома; ҳарбий хизматчиларнинг шахси – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно); хорижий фуқароларнинг шахси – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи аккредитация карточкаси; фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

Битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади.

Нотариус томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мулоқот давомида аниқланади.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади:

устав;

таъсис шартномаси ва устав;

таъсис шартномаси; низом.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини, унинг органларининг ёки вакилларининг ваколатини текширишда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига эътибор бериш зарур.

Нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсон, касаллиги, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиб қўйилиши лозим.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек касаллиги туфайли битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб кар-соқовлик нуқсон (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, нотариал ҳаракатни амалга ошириш пайтида у билан муомала қила оладиган ва битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Кар-соқовлик нуқсон (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжат унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсон (кар-соқов, кар, қулоғи оғир) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ

эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар битим, ариза ёки бошқа ҳужжатлар билан бирга тикиб қўйилади.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, ҳужжат таржимон томонидан таржима қилинади ва нотариус унинг ҳужжатга қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Нотариус, башарти тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди.

Таржимон ёки сурдо таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказганлик, фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳномалар берганлик, фуқаролик ҳолати далолатномаларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритганлик, фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаганлик, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартирганлик учун;

а)	никоҳни қайд этганлик учун	энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида;
б)	никоҳнинг бекор қилинганлигини қайд этганлик учун:	
	вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотинларнинг ўзаро розилиги бўйича	эр-хотинларнинг бирдан ёки иккаласидан энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида;
	агар эр-хотин биринчи никоҳда бўлса, суд қарорига асосан	энг кам иш ҳақининг 150 дан 300 фоизигача бўлган миқдорда (эр-хотиннинг бирдан ёки уларнинг иккаласидан);
	эр-хотиндан бири такрорий никоҳда бўлса, суд қарорига асосан	энг кам иш ҳақининг 300 дан 400 фоизигача бўлган миқдорда (эр-хотиннинг бирдан ёки уларнинг иккаласидан);
в)	16 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар томонидан фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;
	18 ёшдан катта фуқаролар томонидан фамилия, исм, ота исми ўзгартирилганлиги учун	энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;
г)	туғилганлик ҳақида, никоҳни қайд этганлик, никоҳни бекор қилганлик тўғрисида, ўлганлик ҳақид а ёзувларнинг ўзгартирилганлиги, уларга қўшимчала р киритилганлиги, тузатилганлиги ва қайт а тикланганлиги муносабати билан гувоҳномала р берганлик учун	энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;
д)	фуқаролик ҳолати актлари қайд этилганлик ҳақида такрорий гувоҳномалар берганлик учун	энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида.